

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАМЛАКАТДА БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш тизимини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни энгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва говлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган "Бизнес юриштиш - 2020" ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, ислохотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислохотчи давлати қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувлар жойлардаги ижрочилар соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслигини, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортада қолаётганлигини, айрим лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда бизнес юриштиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислохотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда "Хусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" - ги Қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари шартлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Белгилансинки, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳоланади ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайд.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташаббуси билан чиққанлик учун ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Энергетика вазирлиги (Султанов), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Абдуллаев),

Марказий банки (Нурмуратов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Бекенов) раҳбарларига қурилиш учун рухсатномалар бериш, электр таъминоти тизими-га улашиш, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит бериш ҳамда тўловга қобилиятсизлиқни ҳал этиш йўналишларидаги ислохотларнинг амалиётга татбиқ этилиши етарли эмаслиги натижасида "Бизнес юриштиш" йиллик ҳисоботи тегишли индикаторлари бўйича мамлакатнинг рейтингдаги ўрни пастлигича қолаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Оқорида кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идораларнинг ҳар бирида соҳада амалга оширилаётган ислохотларни жойлардаги ижрочиларга етказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилсин.

Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жойлардаги ижрочиларга етказиш ва тушунтириш, қонун ҳужжатларини нотўғри қўллаш амалиётини бартараф этиш, жойларда тадбиркорларнинг фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориш, тегишли орган томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларга соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб ўзгариштиришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш вазифалари юклансин.

Ишчи гуруҳлари амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 февралдан бошлаб: экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади. Бунда ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари "Ягона дарча" божхона ахборот тизимига интеграция қилинади; фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун ундирилган тўловлар миқдори ваколатли органнинг мазкур ҳужжатини бериш учун қилган харажатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан келишилган ҳолда белгиланади;

юридик шахслар томонидан давво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилди;

б) 2020 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналарини электр тармоқларига улаш жараёнида сарфланадиган харажатлар тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мувожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур маблағлар тадбиркорлик субъектлари фойдаланган электр энергияси қийматида қўшилмадиган устамалар ҳисобидан бир йил давомида ундириб олинади.

Давоми 3-бетда ➡

Сайлов — 2019



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Газетамизнинг бугунги сониди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Янгиланаётган Ўзбекистонни, янгиланаётган Тошкент вилоятини биргаликда ривожлантираемиз!" ҳамда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан "Адолат – ҳар бир инсон учун!" сарлавҳали мақолалар чоп этилмоқда.

2-саҳифага қаранг ➡

■ Мактабгача таълим

БОЛАЛИКНИНГ СЕҲРАЛИ ОЛАМИ



Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳа ривожига катта кўмак бўлди.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг интеллектуал, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги "Маърифат" маҳалласи ҳудудидида 120 болага мўлжалланган хусусий мактабгача таълим муассасаси очилди. Тадбиркор Санобар Назирова ҳойида бир гектар майдонда қад ростлаган замонавий ўқ қаватли бинода болалар учун барча шароитлар яратилган. Муассасанинг спорт ва гимнастика заллари, ўйин хоналари замонавий ускуналар, ўқув қўлланмалари ва мультимедиа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Дизайнерларнинг креатив ёндашуви билан болалар боғчасининг ҳудуди эртаклардагидек безатилган. Бу ерда, ҳатто мўъжизага ҳайвонот боғи ҳам ташкил этилган.

— Мақсадимиз, болаларни мактабга ҳар томонлама пухта тайёрлаш, — дейди тадбиркор Санобар Назирова. — Бунинг учун бизда барча шароитлар бор, ўқув машғулотлари ва очик ўйинлар ўтказиш бўйича комплекс режа тузилган. Ходимларимиз ҳар бир бола билан қизиқишига қараб алоҳида шуғулланишади. Математика, ўқиш, мантик, бадиий терапия ва дизайн, амалий санъат, бадиий гимнастика ва рақс, таэквондо, расм ва инглиз тили дарслари олиб борилади. Шуни-нингдек, боғчамизда кичик ёшдаги болалар учун ҳам гуруҳ очилган. Улар билан малакали логопед, психолог ва тил ўргатиш бўйича мутахассисларимиз ишлашади.

Мазкур таълим муассасасининг очилишидан қўшни маҳаллалар аҳолиси ҳам хурсанд бўлишди. Энди уларнинг фарзандлари ва наби-ралари мана шундай замонавий боғчада тарбияланишади.

К. САЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

■ Бизнинг суҳбат

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам унча кўп вақт қолгани йўқ. "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар" шиори остида ташкил этилаётган жараёнда мавжуд 5 та сиёсий партия фаол бўлишга ва халқ ишончини қозонишга интиломоқда. Вилоят сайлов комиссиясининг раиси Жалолиддин НАСРИДДИНОВ билан суҳбатимиз ўз-ўзидан вилоятимизда мазкур жараёнга тайёргарликнинг бориши хусусида кечди.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ТАҚДИРИМИЗНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

— Жалолиддин ГИёсович! Вилоят сайлов комиссиясининг иши роса кўпайган вақтда суҳбатлашмаямиз. Аввало, Сизга таҳририятимиз билан ҳар қандай вазиятда ҳам доимий мулоқотда бўлаётганлигингиз учун миннатдорчилик билдираямиз.

— Раҳмат. Тўғри, аини вақтда иш жуда қизгин. Бу табиий жараён, албатта. Боиси, яқинлашиб келаётган катта сиёсий тадбир — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловлар кампанияси энг қизгин паллага кирди. Бундай вазиятда журналистлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туриш аини мақсадга мувофиқдир. Чунки, жорий йилдаги сайловлар илгаригисидан тубдан фарқ қилади. Биз сайловларни очик, ошқора ва умумэтироф этилган халқаро демократик тамоийлар асосида ўтказилиши ҳақида бонг ураямиз. Бунинг учун, албатта, журналистлар билан ҳамкорлик қилишимиз талаб этилади.

Давоми 3-бетда ➡

■ Жараён

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕЗОНЛАРИ



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

4

■ Ҳамма ўқиш шарт... эмас



Турнақатор китоб расталари ёнидан бефарқ ўтиб кета олмайди-ганларни китобхон деганлар доим ҳам ҳақ бўлавермайд.

Негаки, инсон руҳиятида кўплаб қизиқ ҳолатлар учраб туради. Биттада кўплаб китобларни сотиб олиб, сўнг уларнинг биронтасини ўқимайдиган тоифа ҳам борки, илмий тилда уларни қундоқу касаллигига чалинганлар деб аташ урфга кирган. Қундоқу — япон тилидан олинган сўз бўлиб, китобларнинг фақат муқовасига, ҳиди ва уларга яширинган ташки сирларигагина маҳлиё бўлиш маъносини билдиради. Бирварақайига кўп китоб сотиб олиб, уларни ўқиб тугатма-гунча қўймайдиганларга нисбатан эса инглизча book-worm — китоб курти атамасини қўллайдилар, аммо бизнинг суҳбат айнан қундоқу ҳақида бўлиши керак.

Агар сиз ҳам кўплаб китобларни галаб, уларга фақат тикилиш, ё жавонларга тахлаш орқалигина завқ олсангиз, келинг, ўзимизни чинакам китобхонга айлантириш йўлида бир-икки тажриба қилиб кўрамиз.

Аввало, мутолаанинг фикр ва билим манбаси эканлигини ич-ичингиздан тушуниб олишингиз керак. Аслида, фақат вақт ўлдириш, ё ўткинчи шавқ учун бе-маъни детективлар ва бачкана триллер-ни ўқишдан ёмони йўқ. Шу боис, биринчи навбатда китоб танлашни ўрганиб

олиш мақсадга мувофиқ. Бу маъно жиҳатидан бақувват романлар, ёки ўз бизнесингизни бошлашда сизни руҳлантириш хусусиятига эга иқтисодий адабиётлар бўлиши ҳам мумкин.


4

Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!

Бугун қайси соҳа бўлмасин, халқимиз сиёсий партияларнинг амалий ишларига қараб баҳо берапти. Шу маънода, бу йилги сайловларда сайловчиларни партия ғоялари ортидан эргаштириш учун, аввало, келгусида нималар қилмоқчи эканлигимизни аниқ баён этишимиз керак.

Биламиз ЎзЛиДеП ҳам сайловларга жуда катта тайёргарлик ва вазифалар билан кириб келди. "Янги Ўзбекистонни биргаликда қураммиз!" шiori остида янгича ғоя, янгича қарашларни илгари сурмоқда. Хусусан, партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши ҳам ўз олдига аниқ ва ҳаётий мақсадларни қўйган.

Биз Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, вилоятимизни хорижий инвестицияларни жалб қилувчи, замонавий юқори технологиялар ривожланган халқаро марказга айлантириш борасида аниқ дастурни илгари сураммиз.



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Адолат — ҳар бир инсон учун" номи янги сайловолди дастурида асосий эътибор суд-ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, таълим ва илм-фан соҳалари ҳамда ташқи ва ички сиёсатга қаратилди.

Ўтган йиллар давомида партиямиз сиёсий қурашларда ҳар томонлама тобланиб, давр синовларидан ўтиб, мамлакатимиз сиёсий майдонидан энг йирик, таъсирчан ва обрўли кучга айланди.

Халқимиз азал-азалдан адолатни севади, ҳамма жойда қатъий тартиб-интизом бўлишини, қонун устуворлиги таъминланишини, ижтимоий адолат тамойиллари мустаҳкам қарор топишини хоҳлайди. Партиямизнинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" ғояси билан белгиланган Сай-

ловолди дастурини амалиётга қўллаш ҳамда ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр оралиғида 27 та турли соҳа бўйича халқчил ва ўта муҳим партия лойиҳалари ишлаб чиқилди. Улар халқимиз фаровонлиги йўлида амалиётга татбиқ этилди. "Адолат — қонун устуворлигида", "Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш — демократик жамият пойдевори", "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" ва бошқа кўплаб лойиҳалар жамоатчилик назорати билан мувофиқлаштирилди.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИ, ЯНГИЛАНАЁТГАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ БИРГАЛИКДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ!

Маълумки, вилоятимиз сановатлашган, улкан имкониятларга эга ҳудуд ҳисобланади. Бундан унумли фойдаланиб, вилоятимизни социал-иқтисодий барқарор ривожлантиришни таъминлаш, уни тadbirkorлик, молия ва бизнес бўйича етакчи халқаро марказлардан бирига айлантириш, шунингдек, аҳоли ҳаётининг юксак сифатини таъминлашга қаратилган вазифаларни белгилаб олганмиз.

Жумладан, катта иқтисодий салоҳиятга эга, вилоятимизда мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш, сановатни янада ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб этиш, сановатга инновацион технологияларни жорий қилиш, инвесторлар, маҳаллий тadbirkorлар учун ҳам жозибдор ҳудудга айлантиришни мақсад қилганмиз. Яқин истиқболда вилоятимиз иқтисодиётини самарали, жадал ва барқарор ривожланаётган, иқтисодиёти янгича шакл — "илмга асосланган иқтисодиёт", "инновацияга асосланган иқтисодиёт"га таянашини таъминлашга жиддий эътибор қаратамиз.

Вилоятимиз хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай ҳудуд ҳисобланади. Ҳудудда етарли электр энергия захираси мавжуд. Шундан келиб чиқиб, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити — вилоятимиз ва унинг иқтисодиётини жадал ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим гарови эканига қатъий ишонамиз. Биз бу орқали аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш тарафдоримиз.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган тadbirkorликни ривожлантиришга тўқинлик қилиш — бу давлат сиёсатида тўқинлик қилишдир, деган тамойилга таянамиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг тadbirkorлик тузилмалари фаолиятига ноқонуний аралашувининг қатъий олдини олишга қаратилган тadbirkorларни қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз хусусий мулк дахлсизлиги, унинг ҳимояси кафолатланишига оид конституциявий тамойилнинг ҳаёта татбиқ этилиши ҳамда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, тadbirkorликни ривожлантиришга тўқинлик қилаётган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари ва бинолар, кредитлар ажратиш, рухсат берувчи ҳужжатларни олиш масалаларидаги тўсиқларни бартараф этишга масъулдир.

Энг устувор вазирамиз: 2025 йилга бориб, вилоятда сановатнинг ўртача 2 баробарга ўсиши, унинг ЯХМ таркибидagi улушнинг 40,6 фоиздан 48,8 фоизга етказишдан иборатдир. Шу мақсадда 2025 йилга бориб, вилоятнинг тоғ-кон сановатига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3,4 баробарга, озиқ-овқат сановатига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг эса 3 мартага, енгил сановат ва чарм-пойабзал сановатини биргаликда 3 қаррага, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг 2,9 га металлургия сановатини — 3,1 га, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сановатини ҳам 3 баробарга ўсишига эришишда барча имкониятларимизни ишга соламиз.

Вилоятимиз йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади. Бизнинг устувор вазирамиз — кичик бизнеснинг сановат ишлаб чиқаришидаги улушнинг кўпайтириш, йирик сановат корхоналари ва кичик бизнес ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдир. Келгуси йил якунига қадар умумий қиймати 40 трлн. 380 млрд. сўмлик жами 800 га яқин инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, партия "ноль" харид қийматда инвесторларга тақдир этилаётган бино-иншоотларни инвестиция миқдорларининг юқорилигидан келиб чиқиб, объектларни қурилган йили ва уни бугунги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш орқали инвесторлар оқимини кўпайтиришга интиламиз.



Вилоятимизда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолига ва туристларга қулайликлар яратиш мақсадида "Аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари"ни ташкил этиш, транспорт хизмати сифатини ошириш, йўл ҳақи тўловининг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида рақамли телекоммуникацион ва мобил операторларнинг базавий станциялари сонини кўпайтиришда фаоллик кўрсатамиз.

Шунингдек, вилоятимизнинг туризм салоҳиятидан унумли фойдаланишга эришишни истаймиз. Экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми, спорт туризми, тиббиёт туризми, маданий туризмнинг янги йўналишларини очиб ва ривожлантириш йўлида кенг қўллади ишларнинг амалга оширилишини фаол қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз айна пайтда вилоятимизда ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва хариддорларга имтиёзлар ҳамда преференциялар тақдим этиш, ахборот технологиялари бўйича мутахассисликка эга бўлган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, иқтисодий ёшларни "старт-ап" лойиҳаларини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишларни амалга оширомоқда.

Мақсадимиз — вилоятда 2019-2025 йилларда деҳқончиликни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини янада яхшилаш, соҳага илгор интенсив агротехнологияларни, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш усуллари жорий этиш, шу жумладан, гидропоника усулида 1 минг гектар иссиқхоналар қуришга эришишдир.

Биз вилоятда истиқомат қилувчи барча аҳоли учун тенг имкониятлар яратиш ва жадал ривожлантириш тарафдоримиз. Шу сабабли, кўп қаватли арзон уйлар, кенг ва раван йўллар, маданий ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тadbirkorларни фаол қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз "экологик" ва "ақлли" уйларнинг замонавий технологиялар асосида қурилишини ривожлантириш учун ҳисса қўшишга тайёр. Вилоятимизда уй-жой қурилиши ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда аҳолининг тураржойга бўлган турли хил талаблари, жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш имконини берадиган янгича ва замонавий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш, хавфсиз, ранг-баранг ва эстетик жиҳатдан жозибдор муҳит яратиш ташаббусини илгари сураммиз.

Шунингдек, вилоятимиз аҳолисининг коммунал-маиший хизматлар, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини яхшилаш, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги аниқ вазибаларни амалга ошириш, жамоат транспорти тармоғини ривожлантириш, йўловчилар тирбанд бўладиган жойларда автобусларнинг янги йўналишларини очиб, шаҳар ва туманлар автомобиль паркларини модернизация қилиш ва янгилаш борасидаги чора-тadbirkorларни қўллаб-қувватлайди.

Партиямиз ўз кучига ишонади ва бунёдкорлар партияси эканини амалий ишлари билан исботлашга доимо тайёр! Бу борада вилоятимиз кўп миллатли аҳолисининг мардлиги ва ғайрати, буюкмас иродаси ва дадиллигига таянамиз. Мақсадимиз — янгиланаётган Ўзбекистоннинг янгиланаётган маркази — Тошкент вилоятини биргаликда юқори технологиялар ривожланган йирик халқаро марказга айлантиришдир.

Тўлқин ФАЙЗИЕВ,
Тadbirkorлар ва ишбилармонлар
ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик
партияси Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

АДОЛАТ — ҲАР БИР ИНСОН УЧУН!

Биз кўтариб чиқаётган ҳаётбахш ғоялар кўпчилигининг эътиборини жалб қилмоқда. Партия ҳудудий кенгашлари ва вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари томонидан жамиятдаги турли муаммолар дадил-дадил ўртага қўйилмоқда. Уларнинг ечимини юзасидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий мақсадлари мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жойларда ислохотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий, демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, жамият ҳаётининг барча жаҳаларида ижтимоий адолат ғояларини қарор топтириш, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламлари учун зарур ижтимоий муҳофазани таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Асосий вазирамиз партиямиз электорати бўлган ижтимоий соҳа вакиллари малакали мутахассислар, бюджет соҳалари ходимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўлади.

Партия ўзининг ғояларига садоқатли ҳамда саройовчилар ишончини қозонган номзодларини давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро органларига илгари сурмоқда. Натижада, тобора кўпроқ ватандошларимиз партияга ишонч билдириб, ғояларимизни қўллаб-қувватлашмоқда. Бунинг сўнгги пайтда турли ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган сиёсий партияларнинг рейтинг кўрсаткичларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Айни пайтда партиямиз сафи ҳам анча мустаҳкамланди. Партиянинг умумий аъзолари сони 400 мингдан зиёд. Шундан 10 фоиз, яъни 40 мингдан ортиқ аъзоларини вилоятимиз аҳолиси ташкил этади. Вилоятимиздаги 60 нафар депутатнинг 14 нафари "Адолат" партиясида сайланган. Бу вилоятимиз депутатларининг сал кам 25 фоизини "Адолат" партияси депутатлари ташкил этади, дегани. Туман ва шаҳар депутатлари сони эса 63 нафардир.

Социал-демократик партиямизнинг эркинлик, тенглик, адолат ва бирдамлик каби устувор ғоя ва қадриятлари ўзбек халқининг миллий-тарихий менталитетига тўлиқ ҳамохандир. "Адолат" ўз сайловчиларига берган ваъдаларини бажариш борасидаги ишларни амалга ошириб, қонунчилик ташаббуси, қарор ва фармонларга мувофиқ ўз дастуридаги вазибаларни бажариш учун ҳукуматга тақлифлар киритиш орқали йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг тўлақонли ечимига эришиш тарафдоридир.

Партия томонидан бугунги кунда илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар жамиятнинг қайси-бир қатлами манфаатларини эмас, бутун бир халқимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган муаммолар ечимига қаратилган. Амалий ишлар, хусусан, олий таълим муассасаларига кириш учун квоталар сонини ошириш, ҳудудларда уларнинг филиалларини очиб, дипломларнинг нострификациясини соддалаштириш, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси, архивлар фаолиятини такомиллаштириш, мактабга таълим ҳамда инновацион ривожланиш вазирилари ташкил этиш, автомобиль ойналарини қорайтириш ("тонировка") каби ташаббуслардир.

Бугунги кунда партия томонидан илгари сурилаётган тақлифлар натижасида фуқаролик, жиний, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини бирлаштириш орқали битта маъмурий ҳудудда битта суд идораси ташкил этилди. Натижада, фуқароларимизнинг сарсонгарчиликларига чек қўйилди.

Азалдан халқимиз учун юртимиз тинчлиги ва халқимиз саломатлиги энг улуғ неъматдир. Шу боис, партиямиз сайловолди дастурида Бош қомусимизда белгилаб берилган бепул малакали тиббий хизматга тўлақонли эришиш йўлида хизмат қилишдан чарчамаймиз. Бунда ҳудудларда зарурий йўналишларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ихтисослашган тиббиёт марказларининг филиалларини ташкил этиш, фуқароларнинг саломатликлари борасидаги ҳужжатларини электрон шакллантириш учун "Ақлли тиббиёт" тизимини кенг жорий қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган қалбаки ва самарасиз дори воситалари фаолиятига чек қўйиш ҳамда дори воситаларининг электрон рўйхатини шакллантириб шаҳар ва қишлоқларда бир хил нархда сотилишига эришиш партиямизнинг доимий диққат марказида туради.

Дунё шиддат билан ривожланмоқда. Ушбу жараёнда муносиб ўринга эга бўлиш, ўз ўрнини сақлаб қолиш катта масъулият. Партиямизнинг "Ақлли тиббиёт" тизимини шакллантириш, аҳолини хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлаш сингари соҳага оид қатор ғояларни мамлакатимиз тиббиётида улкан бурилиш ясашига шубҳа йўқ.

Сир эмас, қаердаки қонун устувор, адолат барқарор бўлса, ўша жойда ҳар жиҳатдан юксалиш ва ривожланиш кўзга ташланаверади. Нега деганда, бугундан кўнгли тўқ, эртанги кунига ишончи мустаҳкам бўлган одамгина ўз олдига эзгу мақсадлар қўяди ва ана шу мақсадлари сари дадил қадамлар билан ҳаракат қилади. Шу билан жамият раванқига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Шундай экан, партиямиз дастурида акс этган суд-ҳуқуқ соҳасида 5 йилликда амалга оширилиши кўзда тутилган ғояларнинг юртимиз тараққиёти, эл-юрт тақдирида ўрни муҳим, деб ўйлайман.

Биргина мисол. Суд жараёнларида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглигининг таъминланиши тизимда юз бериши мумкин бўлган қанчадан қанча адолатсизликларга чек қўйиб, норозиликларга барҳам беради. Муҳтарам Президентимиз: "Агар биз одамларнинг тинчлиги ва соғлигини кафолатласак, ана шундагина одамлар биздан рози бўлади", деб бежиз айтмаганлар.

Умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечишни асосий вазибалардан этиб белгиланганлиги фақатгина дипломли эмас, меҳнат бозорида рақобатбардор бўлган, замонавий билимларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш имконини яратди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг сайловолди дастуридан нафақат чуқур ўйланган ислохотларни талаб қилувчи ғоялар, балки мамлакатимизнинг маънавий қиёфасини юксалтиришга хизмат қилувчи вазибалар ҳам ўрин олган.

Бугунги кунда аҳолиимизни қийнаётган муаммолардан яна бири бу жамиятда учраётган коррупция интилодидир. Партия томонидан илгари сурилаётган тақлифлар орқали келгуси беш йилликда коррупцияга қарши курашда жамиятда ушбу илатга нисбатан мутолқа тоқатсизлик ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга эришилади. Партия бундай ижобий натижага эришишда энг самарали усул — халқимизнинг фаол фуқаролик позицияси деб билади.

Азиз юрдошлар! Олий йилнинг 22 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда "Адолат" социал-демократик партиясига овоз берин!

Умид ШОУМАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик
партияси Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАМЛАКАТДА БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

4. 2020 йил 1 январдан қуйидаги талаблар бекор қилинсин:

тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулк олди-сотиш шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш;

давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулк бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганда сўнг аризани ҳамда кўчмас мулк бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз қўғиринида тақдим этиш;

мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш.

5. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга доир "Йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан хабарнома юбориш тартибини бекор қилиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектлари бундан мустасно;

объектнинг зилзилага бардошлилиги ва ёнгин ҳавфсизлиги бўйича лойиҳа ҳужжатлари юзасидан ижобий экспертиза хулосаси ва қурилиш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотни давлат хизматлари марказлари томонидан бир вақтда тадбиркорлик субъектлари ва ҳудудий қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияларига объектни рўйхатдан ўтказиш учун юбориш;

объектлар бўйича ижобий экспертиза хулосаси мавжуд бўлмаганда қурилиш-монтаж ишларини бошлашни тақиқлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия

вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда:

"Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан кучланиши 110 кВ гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг муддатларини ва энг банд қийматларини белгилашни назарда тутувчи ягона калькуляциясини тасдиқласин;

электр таъминоти тизимига улаиш жараёнида ҳужжатларни кўриб чиқиш, келишиш ва ишларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ ваколатли органларнинг харажатларини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. "Ўзстандарт" агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўздавкартин" инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар:

ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва "Глона дарча" божхона ахборот тизими платформа-сида танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария, экологик назорат ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш имконини берадиган алоҳида хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимларини жорий этишни ақунласин;

ваколатли органлар томонидан фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун шартномаларни оферта шаклига ўтказган ҳолда хизматлар учун тўловларни электрон тарзда амалга ошириш имконини яратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги:

икки ой муддатда юк ташувчилар томонидан юк ҳужжатлари маълумотларини ўз ичига олган дастлабки электрон ахборотни божхона идораларига тақдим этиш тартибини жорий этиш орқали божхона расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш чораларини кўрсин;

2020 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларнинг ўтиши учун рухсатномани расмийлаштириш жараёнлари ва тўловларни амалга оширишни электрон шаклга ўтказиш ишларини ақунласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги уч ой муддатда:

лицензиялаш ва рухсатнома бериш тизимини тартибга солуви қонун ҳужжатларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни замон талабларига мослаштириш ва тизимлаштириш;

лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштиришда талаб этиладиган ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда уларнинг муқобил шакллари, шу жумладан, хабардор этиш тартибини жорий этиш юзасидан таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4160-сон қарори билан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга сўзсиз эришишга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони 3-илоvasида кўрсатилган халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичлари яхшилانганлиги ёки пасайганлигини келиб чиқиб, вазирлик ва идораларга нисбатан рағбатланти-

риш ёки жазолаш чораларини қўллаш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан бирга Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботининг қурилиш учун рухсатномалар олиш, электр таъминоти тизимига улаиш, мулкни рўйхатдан ўтказиш ҳамда халқаро савдо индикаторлари бўйича "давлат хизматларининг сирли мижози" институти қўлланилиши таъминласин;

жамоатчилик назорати ва "давлат хизматларининг сирли мижози" институтининг қўлланилиши натижалари бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот кири-тиб бурсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган йўналишлар бўйича "давлат хизматларининг сирли мижози" институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4210-сонли қарори талаблари асосида қўлланилади.

14. Савдо-саноат палатаси ва Давлат хизматлари агентлигининг Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботининг ҳар бир индикатори бўйича батафсил маълумотлар акс этган махсус портал сифатида Интернет тармоғидаги businessinfo.uz сайтидан фойдаланиш ва уни доимий янгилаб бориш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

15. Давлат хизматлари агентлиги 2020 йил 1 апрелга қадар ўзининг расмий веб-сайтида давлат хизматларини кўрсатиш муддатларини автоматик равишда, шу жумладан, кўриб чиқиш муддатлари бузилган аризалар ва масъул идоралар тўғрисида очиқ маълумотларни реал вақт режимида акс эттирувчи бўлим яратсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2019 йил 20 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

XALQARO MATBUOT MARKAZI
TOSHKENT VILOYATI BO'LINMI

www.xalqaro-matbuot.uz | tshknt@xalqaro-matbuot.uz | central_election_commission | facebook.com/elections.uz.2019 | xalqaro-matbuot@mail.ru

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кун ёдингиздир? Айни ўша кун, яъни 20 сентябрда бир йўла учта тадбир бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси, Халқаро матбуот марказининг очилиши ва кенг қўламли матбуот анжуманида журналистларимиз фаол иштирок этишди. Қувонарлиси, ўша кундан буюн оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Биз қандай қарор қабул қилсак, тадбир ишлаб чиқсак, уни вилоятимиз журналистларига маълум қилиб бораёпмиз.

– Вилотат сайлов комиссияси томонидан бўлажак сайловларга қандай тайёргарлик кўрилаяётгани ҳақида гапириб берсангиз?

– Яқинлашиб келаётган сайловларда вилоятимиздан жами 1 миллион 830 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Сайловчиларнинг қарийб 45 минг нафари илк маротаба овоз беради. Сайловларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун барча даражадаги чора-тадбирларга жиддий эътибор қаратдик. Зиммамиздаги ва-зифаларни изчил ва тизимли равишда амалга оширишда Президентимизнинг 2018 йил 4 октябрдаги "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим омил бўлмоқда. Дастлаб вилоят сайлов комиссияси мутахассислари тегишли давлат таш-

килотлари билан ҳамкорликда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР)ни жорий этиш фаол амалга оширилди. Бунда уйма-уй

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ, ТАҚДИРИМИЗНИНГ
МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

юриб, сайловчилар рўйхатга олинди ва ҳар бир сайловчи тураржой кадастр рақамига бириктирилди. Бу тизим сайловчилар учун яна бир қатор қулайликлар яратди. Айтилайки, сайловчи Марказий сайлов комиссияси сайти орқали паспорт рақамини кирийтиб, қайси сайлов участкасига тааллуқли эканини ва сайлов участкаси жойлашган манзилни оsonлик билан аниқлаши мумкин.

Айни вақтда вилоятимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 13 та, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 626 та округ сайлов комиссиялари тузилди. Шунингдек, 950 та сайлов участкаси мавжуд. Уларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирда сайлов қонунчилигидаги янгиликлар ва замонавий ахборот технологиялари орқали СЯЭР тизимидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини сайлов таш-

килотчиларига ва кенг жамоатчиликка тушунтириб бораёпмиз. Кези келганда яна бир муҳим гапни айтмасам бўлмайдди. Тан олиш керак, илгарилари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ деярли барча ишлар инсон омили билан бажариларди. Масалан, сайловчилар рўйхатини тизимдан то ҳисоботни жамлашгача бўлган жараёнлар қоғозга ёзиб чиқиларди. Табиийки, бу анча-мунча вақт, харажат, меҳнат ресурслари талаб этарди. Ахир, бир дунё ҳужжатларни йиғиш, юритиш, сақлаш ва

зиш аслида жуда кўп йўналишли жараён ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли ва самарали иш олиб бориш мақсадида сайлов қонунчилигимиз тубдан такомиллаштирилди.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 25 июнь кунли Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини амалиётга жорий этишга оид қонуннинг имзолаиши мамлакатимиз миллий сайлов тизимини янги босқичга кўтарди. Шу маънода, жорий сайловларнинг аввалгилардан энг муҳим фарқли

жиҳатларидан бири бу – сайловларнинг илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтказилишида кўринадди.

Айтиш жоизки, амалдаги сайлов қонунчилигимиз бўйича экспертлар, жумладан, хорижий ва халқаро экспертлар мамлакатимизнинг Сайлов кодексига қўллаб муҳим ва замонавий жиҳатлар қамраб олинганини эътироф этмоқда. Уларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Сайлов кодекси сайловчилар учун ҳам, сайланувчилар учун ҳам, сайлов ташкилотчилари учун ҳам ноёб қўлланма сифатида янги имкониятлар яратди. Мазкур кодексдан сайловларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошқора ва шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоидалар ўрин олган. Амалда бўлган қўллаб-чекловлар чиқариб ташланган.

Яна бир муҳим янгилик – бу юқорида таъкидлаганимиздек, "Бир сайловчи – битта овозга эга" таъминлини жорий этиш мақсадида, мамлакатимизнинг миллий сайлов

тизимига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилгани бўлди.

Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури лойиҳаси қабул қилинди. Айни вақтда дастурда амалга оширилиши зарур бўлган ишларнинг ижроси таъминланмоқда. Илгарилари бу ишлар сайлов кампанияси бошланганидан кейин бўларди. Барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодларнинг сайлов қонунчили-

зо қиладди. Сайловчилар жамиятда олиб борилаётган демократик ислохотлар ва уларнинг самаларидан қанчалик хабардор бўлса, ўз овозини қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунади. Масалан, сайловчи янги қабул қилинган Сайлов кодекси билан сайлов қонунчилигига қиритилган сўнгги янгиликлардан тортиб сайлов бюллетенини тўғри тўлдириш, сайлов жараёнлари, сиёсий партиялар илгари сураётган гоёлардан тўлиқ хабардор бўлиб борсагина қўзлаган мақсадга эриша оламиз. Буни, албатта, оммавий тарғибот ва ташвиқот билан амалга ошириш мумкин. Турган гапки, бу жараёнларда оммавий ахборот воситаларининг роли ниятда муҳим саналади. Шу боис, айни пайтда оммавий ахборот воситалари орқали тарғиботнинг барча илгор технологияларидан, жумладан, давра суҳбатлари, семинар ва учрашувлар, бевосита мулоқотлар, конференциялар ўтказилмоқда.

Вилоятимиздаги сайлов жараёнларини ОАВда кенг ёритиш мақсадида жойлардаги босма ва электрон оммавий ахборот воситалари журналистлари, блогерлар, шунингдек, ҳудудий ҳокимликлар, қорхона ва ташкилотлар ахборот хизматлари ўртасида танлов эълон қилдик. Шунингдек, сайловларда бевосита иштирок этиш ва жараёнларни ҳолисона ёритиб бориш мақсадида вилоят ОАВлари ва марказий нашрларнинг ҳудудий муҳбирлик пунктларида фаолият юритаётган 55 нафар журналистни аккредитациядан ўтказдик.

– Масъулиятли вазифада сизга ва комиссиянинг барча аъзоларига, жойлардаги ташкилотчиларга куч-қувват ва муваффақиятлар тилаймиз. Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Абдусалим МАХМУДОВ
суҳбатлашди.



гидаги янгиликлар, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар одатдагидан анча аввал бошланди.

– Вилотат сайлов комиссияси томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга бағишланган тадбирларни ёритиб бориш масаласида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қандай йўлга қўйилди?

– Сайловлар очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш изчил оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни тақо-

